ЛЕНИН—ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТГАН ҚУЁШ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши

№ 225 (13.487).

1966 ОКТЯБРЬ 2 ЯКШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

Газеталаримизнинг бу қўшма сони Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланади.

ПРОЛЕТАРИИ ВСЕХ СТРАН, СОЕДИНЯЙТЕСЬ!

КОМСОМОЛЕЦ УЗБЕКИСТАНА

Газета издается с ноября 1926 года

Орган Центрального Комитета ЛКСМ Узбекистана

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг органи

КОММУНИЗМ ЁШ АВЛОДИГА

ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА КОМСОМОЛ-ЁШЛАРИГА

Нури-дийдаларимиз, ўғил-қизларимиз!

Бўғинлар ёш авлоди вакилларининг Қизил майдонда, Кремлнинг муқаддас деворлари олдида, башариятнинг бахт-иқбол чироғини ёққан улуғ Ленин сиймосиназаридa Ленин ишига, партия ишига, Октябрь ишига садоқатларини намойиш қилиб, ичган ант-қасами биз кекса авлод шоҳидларида буюк ишонч, беқиёс ғурур ва ифтихор ҳисларимизни, умид-орзуларимизни яна ва яна ошириб юборди. Умид, ишонч ҳамма нарсадан азиз ва муҳтабардир.

Янги дунёни бунёд этиш йўлида, қуллик қишанларини парчалаш йўлида, фашизмни таслим қилиш йўлида тўккан қонларимизни қутлаб, чексан азобларимизни хотирлаб, шонли зафарларимизни эзозлаб қалбдан ниғоҳ этган тилакларингизни жон деб қабул этдик. Шунчалик қадр-қиммат учун бошимиз кўкка етди. Ҳаётбахш тузумимизнинг ёш авлоди, совет ёшлари — сизларнинг истиқболингиз бундан салкам эллик йил илгари, ҳали Россия осмонида дахшатли довул-бўронлар кезиб юрганида, инсоннят тақдири учун ҳаётмамот кураши олдидек ёниб турган ёшгина улуғ Ленин томонидан башорат қилинган эди: келгуси авлод революциянинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Ҳа шундай бўлди ва бўлиб қолаверади. Қутлуғ ва муборак революциямизнинг, мардлик ва чиниқишнинг давомчилари бўлган сизларнинг улуғ яратувчилик ишларингиз, шижоатингиз, ақл-заковатингиз, ёшлик ғурур ва ифтихорингиз инсоннят кўз олдида ялт этиб турганлиги айниқса бизлар учун бебаҳо ғаванҳардир. Худди шу жанговарлик руҳ, шу оташ юришлар ВЛКСМнинг жанговар отряди — Ўзбекистон комсомолининг республика эришган улкан муваффақиятларга қўшган ҳиссасида ёркин намоён бўлмоқда. Сизнинг саноатда техника тараққиёти учун, аъло сифатли маҳсулот учун, тежамкорлик ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун олиб борилган кураш даги ташаббускорлигингиз, «Бухоро — Урал» газопроводи, Тошкент Оҳангарон, Тахиатош ГРЭСлари ва бошқа зарбдор қурилишларда кўрсатган қаҳрамонликларингиз она-Ватан солномасига олтин ҳарфлар билан ёзиб қўйилгандир.

Бепоён мамлакатимиз халқларининг ифтихори — донгдор Турсуной Охунова, Маннон Жалолов, Татьяна Кардаш, Мамажон Дадажонов каби юзлаб, минглаб ишлаб чиқариш новаторларини, колхоз қишлоғи марди майдонларини, табаррук пахтамизнинг, чорвачилигимизнинг, сахий далаларимизнинг ғаввориячиларини ўз бағрида ўстириб вояга етказган ленинчи комсомолга балли! Комсомолнинг Қарши, Мирзачўл, Марказий Фарғона ерларини узлаштиришда, «оқ олтин» хирмонларини бунёд этишда, Устюрт қумликларининг сирини очишда, асов дарёларни жиловлашда кўрсатган ғайрат, шижоати тилларда достондир.

Биз ҳам йигирманчи йилларда комсомол ёшиқ. Биз ҳам комсомолнинг асосчиси В. И. Ленин ишончини оқлаш учун, коммунизм ғояларига, партия ва халқ ишига чексиз садоқатли эканлигимизни намойиш қилиш учун бутун ёшлик куч ва ғайратимизни сарф этган эдик, Октябрь социалистик революцияси ғалабаларини қўриқлаш ва мустаҳкамлашда, босмачиларга, озодлик душманларига қарши курашда, социализм қурилишининг ҳамма босқичларида жон фидо этганмиз. Халқ ва партия билан яшаб, бирга одим ташлаб олга борганмиз, буюк ўзгаришларнинг гувоҳи бўлганмиз.

Бу бахтли ҳаёт, бу тўкин дастурхон, бу фаровонлик ўз-ўзидан яратилмаган, истиқбол оғтоби осонликча болқиган эмас. Табиат инжиқликларини, қолоқ қорхона, унумсиз ерларни меҳнат, фақат меҳнат билан, қирда, жасорат билан енгганмиз. У вақтларда колоқлик ўтканинг асрий қисмати эди. Ҳамма қийинчиликларни енгиш, бирдан-бир пўлат қалқонли халқ қаҳрамонлиги, халқ ишончи В. И. Ленин, Коммунистик партия рағбати эди. Биз шу мақсад, шу ўй-фикр, шу ғоя билан яшадик, истиқболга ишонч билан қарадик, ҳаёт ўз йўналишида янги замон ичра юксалиш чўққиларига интилиши, кишилар тақдирида бахт-саодат гул-гул очилишини кўрардик. Худди шу олий мақсадни кўзлаб қўлга қурол олиб жангга борардик, қўлга ўроқ ва болға олиб меҳнат қилардик. Дастлабки беш йилликларда биринчи домна печларини қурганмиз, пўлат эритганмиз, тракторларни бошқарганмиз, янги қишлоқлар, шаҳарлар қурганмиз, зарбдорлар бойлик чиқкамиз. рабфаклар остонасини ўтганмиз, армия ва флотни оталиққа олганмиз. Александр Матросов, Тўйчи Эрмитов, Собир Раҳимов, Мамадали Топиболдиев каби довруғи ва мардлиги сўнмас зотлар қатори гитлерчи ғалаларни қирганмиз ва ғолиб байроғимизни Берлин қасрига ўрнатишда ҳисса қўшганмиз.

Ҳозир сизлар билан ҳамнафас бўлиб коммунизмнинг нурафшон биносини қурмоқдамиз. Сизлар бизларнинг шонли ишимизни давом эттириш учун, коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бўлиш учун жаҳон ўлкаси Москвада, бўғинлар бирлиги Байрамида қасамёд қилдингиз. Худди бизларни қувонтирган, нима учун курашганлигимизни тантанавор ифода этган шу қасамингиз бизлар учун бениҳоя азиз, қадрли ва қувончлидир.

Севикли фарзандларимиз!

Революцион курош эстафетасини, муқаддас истиқбол байроғини қабул қилиб олишдек фахрли ҳуқуқ, олий бахт сизлардан кўп нарса талаб этади, ўз масъулиятингизни янада яхшироқ, янада чуқурроқ англаб олишга даъват этади.

Бу масъулият халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини авайлаб сақлаш, ривожлантириш, оталарнинг абадий барҳаёт руҳига муносиб бўлиш демақдир.

Бу масъулиятдир, Коммунистик партия ғояларини ишига, интернационализм, халқлар дўстлиги идеяларига садоқат билан хизмат қилиш демакдир.

Бу масъулият коммунистик мўл-кўлчилик учун, Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун, осойишталиги ва дахлсизлиги учун тинмай интилиш демакдир.

Бу масъулият жаҳонда ғинчликни таъминлаш учун курашиш демакдир.

Бой ва қудратли, обод ва озод улуғ юртимиз бор. Унинг ҳар бир ишга қодир, олижаноб инсоний фазилатларга бой, яратувчи, меҳнатсевар, қўли гул эгаси — совет халқи бор. Ҳар тонгни зўр иштиёқ билан кутамиз. Таларга ҳузур, қалбларга ғурур бахш этувчи субҳидам сабоси ҳаётбахш тузумимизнинг, жонажон Коммунистик партиямизнинг, Совет ҳукуматимизнинг бахт-саодатимиз йўлида қилаётган ғамхўрлигини кўрсатувчи янги-янги хуш хабарларни олиб келади. Шаҳар ва қишлоқларда, корхона ва муассасаларда, колхоз ва совхозларда қаҳрамон ишчилар, меҳнатсевар деҳқонлар, толмас хизматчилар қўлга киритаётган муваффақиятларни эшитиб мамнун бўламиз.

Ўз оталари, ака ва опалари қаторида, партия раҳнамолигида ўзларининг фидокорона меҳнатлари, аъло ўқишлари, комсомол ҳаётидаги жўшқинликлари билан коммунизмнинг моддий техника базасини вужудга келтиришга катта ҳисса қўшаётган олтмишинчи йилларнинг, атом ва космос забт этиш даврининг комсомол-ёшларига тасанно, деймиз.

Даврининг виждони, ор-номуси, ақлидроки Коммунистик партия XXIII съезди, унинг содиқ ёрдамчиси, ишонган қўмакчиси шонли комсомолнинг XV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси ва республика комсомолларининг тарихий анжуманлари порлоқ истиқболимизнинг кенг режаларини чизиб берди. Улуғвор янги беш йиллик ҳаётга қадам қўйди.

Табаррук оталар, волидан меҳрибонларимиз хурсанд бўлсин десангиз, мавжуд катта имкониятларингизни ишга солинг, ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишга эришинг, Биророта ҳам бўш, ташаббус кўрсатмайдиган, ёшларни катта ишларга рағбатлантиролмайдиган, ҳаёт нашъасидан, меҳнат саодатидан баҳраманд этолмайдиган йигит ва қиз қолмасин.

Ҳар бир комсомол ўз ишининг самарали бўлишига эришсин. У ўз вақтини шундай сарфласинки — ҳар дақиқа ҳаётда бир из қолдирсин.

Бу кун биз буюк саналар — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги байрами арафасида турибмиз. Бу улуғ айёмлар куни — барча коммунистлар, ишчилар, колхозчилар, совет интеллигенцияси қатори республикамиз комсомоллари куч-ғайратининг, яратувчилик меҳнатининг катта кўриги кунидир. Биз бу кунда республикамизнинг 3 миллион 750 минг тоннаник хирмонида, корхоналарнинг юксак кўрсаткичларида, минг гектарлаб ўзлаштирилган янги ерларда ёш бўғинларимиз қўшган улкан ҳиссани кўришни истардик. Ахир, нуроний оталарга, меҳригиё оналарга ўз меҳнати мевасини кўришдан, фарзандлари қувончига шерик бўлишдан афзал бахт борми!

Ёш ватанпарварлар! Яшаб меҳнат қилиб умр ўтказаётган кунларингизнинг мазмунини яхшик англанг. Республикамизда жуда катта фронт бўйлаб кураш кетяпти. Бу кураш пахта фронтидадир. Қайси жойда, қандай сохада хизмат қилмайлик, пахта фронтидан четда қолмайлик, Ватан чақириғига, лаббай деб жавоб берайлик. «Оқ олтин»имизнинг бирар граммини ерда, тупроқда қолдирмайлик, ҳаммасини тез йиғиб-теріб олайлик. Шу улуғ ишда актив қатнашиш ҳар бир ёшу қари—барчамизнинг улуғ ишимиздир.

«Пўлат от» жилови сизнинг қўлингизда, қадрдон ёшлар. Ҳар бир йиғим-терим агрегати соз ва унумли ишласин. Ҳар бир механик-ҳайдовчи кундалик нормасини ошириб бажарсин. Шундагина қишлоқ хўжалигининг дарғалари—ёш механизаторлар ўз номларини, шон-шавкатларини улуғлаган бўладилар.

«Уз ёшлигимиз ҳақи, коммунистлар ишига содиқ бўламиз, деб сенга қасамёд қиламиз, ўрток Партия! Бизнинг авлодимиз Ленин йўлидан асло четга чиқмайди. Юрагимизнинг ҳар ондаги зарби ҳақи, ҳаётимизнинг ҳар бир куни ҳақи, бутун умримиз ҳақи қасамёд қиламизки, ер юзида коммунизмни қарор топтирамиз!» — дейлади мамлакат ёшларининг қасамёдида.

Билакларингизда тоғларни талқон этадиган куч, қалбингизда ғайрат-шижоат барқ уриб турибди. Жасорат кўрсатинг, ҳалол меҳнатдан толманг, нуридийдаларимиз. Бўлаётган воқеаларнинг моҳиятини чуқур билишга, мустақил фикр юритишга интилиш, принципиаллик ва граждалик дадиллигги сизга ёр бўлсин. Ҳозирги замон ёшлари — сизларга хос ажойиб фазилатлар — активлик, бир мақсадни кўзлаб иш тутиш, курашчиларга хос жўшқинлик ўссин, камол топсин.

К. Д. ВАГАНОВ —1905 йилдан КПСС аъзоси, Ф. Н. ЖЕЛТИКОВ — 1917 йилдан КПСС аъзоси, Р. ШЕРМУҲАММЕДОВ, В. В. ИВАНОВ, Қ. МАҒЗУМОВ, С. ТОШХЎЖАЕВ, А. Е. КРИЛОВ—1918 йилдан КПСС аъзолари, Н. ХЎЖАЕВ, Х. БУХОРБОЕВ, Г. Е. НАГАЕВ, А. АҲМЕДОВ, М. РУСТАМТУРАЕВ—1919 йилдан КПСС аъзолари, Ш. ҒОЙИБЖОНОВА, А. АБДУРАҲМОНОВ, Р. УСМОНОВ — 1920 йилдан КПСС аъзолари, И. ЭШОНХЎЖАЕВ — 1921 йилдан КПСС аъзоси.

Суратда: Тошкент шаҳар Киров район партия комитетининг биринчи секретари Шоира Аҳмадалиева Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикаси коммунистик меҳнат бригадасининг зарбдори Шарофат Абдуллаевага партия билетини топшириқда.

УИҒУН,

Ўзбекистон халқ шоири.

ТОНГНИ ЭСЛА!

Чўллаб сув ичганда тиниқ
анҳордан
Эсга олиш керак сувнинг
бошини.
Мамнун бўлганингда бугунги
бахтдан,
Эсла, тонгда балққан эрк
қуёшини.
Октябрь тонг эди, озодлик
тонги,
Ўша эзгу тонгдан бошланди
иқбол.
Оламга, ҳаётга шод
боққанингда
Кўзингга нур берган тонгни
эсга ол.
Ҳеч нарса ўзидан ўзи бўлмайди,
Ҳар бир ўзгаришнинг замирида
жанг.
Бу кунлар йўқ эди, агар оталар
Қилмаганда душман аҳволини
таиг.
Тинч меҳнатимиздан,
ижодимиздан
Шонли коммунизм кўтармоқда
қад.
Наслимиз бахтиёр яшасин дея
Ўтмишда оталар қон тўккан
беҳад.
Гўзал келажакка кўз
солганингда,
Шонли ўтмишни ҳам унутма
ҳеч вақт.
Ўтмишда халқимиз
қаҳрамонона
Жанг қилмаганда қайда эди
бахт.
Бу қуннинг қадрига етмакчи
бўлсанг,
Ўтмишда тўкилган кўз ёшни
эсла.
Агар зулматга қул бўлмайин
десанг
Ёруғ тонгни эсла, қуёшни эсла!

МАТЛУБОТЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Республика матлубот кооперацияси системаси сабзавот харид қилиш давлат планини муддатидан илгари бажарди. 1 октябргача 159.425 ўрнига 169.109 тонна сабзавот харид қилиниб, план 106 процент адо этилди. Ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 42 минг тонна кўп сабзавот харид қилинди. Сирдарё, Тошкент, Сурхондарё ва Андижон областлари матлубот кооперацияси тайёрлов ходимлари айниқса яхши ишлашди.

«Ўзбекбирлашув» тайёрлов ташкилотлари Москва, Ленинград ва мамлакатнинг бошқа саноат марказларига 56 минг тоннадан ортиқ сабзавот жўнатдилар.

Сабзавот харид қилиш давом этмоқда.

САМАРҚАНД ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ КАТТА ҒАЛАБАСИ

Кеча Самарқанддан хушхабар келди. Область чорвадорлари КПСС XXIII съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, катта ғалабани қўлга киритдилар. Жун тайёрлаш ва харид қилиш йиллик плани муддатидан илгари ошириб бажарилди. Давлатга 32253 центнер жун сотилди. Бу—ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 3035 центнер кўп. Жун етиштириш ва тайёрлашни кўпайтиришда Нурота, Галлаорол, Каттақўрғон, Хатирчи, Нарпай ва Ургут районларининг хўжаликлари катта муваффақиятга эришдилар.

Давлатга жун сотиш давом этмоқда.

Терим илғорларига қизил байроқлар

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети пахта териш ва давлатга сотиш бўйича республика областлари, районлари ва совхозлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг сентябрь ойи учинчи ўн кунлигидаги якунларини караб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Тошкент областида (область партия комитетининг секретари ўртоқ М. Абдураззоков, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. Шайхов, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ Б. Тошхўжаев, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ И. А. Ли, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ С. Нишонбоев, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ М. Мамонтов) қолдирилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 61,69 процент, машина терими планини 73,01 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда 37,97 процент ва машина теримида 47,50 процент ўсишни таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областига (область партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Маҳмудов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Е. Тасанбоев, область комсомол комитетининг секретари ўртоқ М. Тоғаев, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ С. Бухоров, пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси ўртоқ Т. Розиков, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси ўртоқ В. Антонов) берилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 33,24 процент, машина терими планини 39,01 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда 28,11 процент ва машина теримида 35,55 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областининг Оққўрғон районида (район партия комитетининг секретари ўртоқ С. Тоиров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ И. Юнусов, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ А. Соипназаров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ А. Хўжақулов, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ В. Рогачев) қолдирилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 71,42 процент, машина терими планини 84,00 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда 42,45 процент ва машина теримида 48,20 процент ўсишни таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ Тошкент областидаги Юқори Чирчиқ районига (район партия комитетининг секретари ўртоқ И. Ладушин, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Э. Икромов, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ М. Қодиров, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ю. Убайдуллаев, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ И. Каримов) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 64,65 процент, машина терими планини 127,77 процент бажарган ва ўн кунликда пахта тайёрлашда 41,40 процент ва машина теримида 98,30 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областидаги Яккабоғ районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Қорақалпоғистон АССРдаги Ленин номли совхозга (совхоз директори ўртоқ Б. Нуржонов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ А. Жаримбетов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ И. Исмоилов) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 60,49 процент ва машина терими планини 78,27 процент бажарган ва ўн кунликда машина теримида 64,94 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Тошкент областидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозидан олиб берилди.

Пахта териш ва тайёрлашда Самарқанд ҳамда Сурхондарё областлари яхши ишлагаликлари қайд қилинди.

ҚАЛБИМИЗ, МЕҲРИМИЗ СЕНГА, ПАРТИЯ,

ҚАСАМЁД

Нигоҳимиздаги инсон орзу-умидларининг болқиган нур-офтоби — Кремль курантларининг бонги қалбларимизда янги аланга ёқди. Навқирон изтопарлар 10 миллионли армиясининг вакиллари шу муқаддас жойга тўпланиб, буюк, шарафли иш учун онт ичдилар. Номаълум қаҳрамонларни қидириб топган, улар ҳақида энг муҳим ҳужжатларни йиққан мамлакатимиз ўғил ва қизлари бу ерда бўғинлар бирлигининг улуғворлигини намойиш қилдилар. Қишлик саройга штурм қилганларнинг набиралари, Рейхстагни тор-мор келтирганларнинг болалари Кремлнинг мўътабар деворлари олдида ўз тенгқурлари номидан Ленин ишига, партия ишига, Октябрь ишига содиқликлари ҳақида қасамёд қилдилар.

Мамлакатимиз ёшларининг шу тантанали қасамёд-митингида инсон тарихининг шоҳиди — Самарқанд изтопарларининг ҳам номлари тилга олинди. Шаҳардаги 6-мактаб ўқувчилари Д. Акобирова, Л. Халилова, Г. Маъруров, В. Собировлар биз яшаб турган, биз улуғлаётган, бутун жаҳон тараддуд этаётган азим Самарқандимизнинг ўғил-қизларидир.

Улуғ Ватан урушининг солномаси зарҳал варақаларига янги ҳатҳўр қадаган, номаълум қаҳрамонлар руҳини шод этган, Брест қалъасини ҳимоя қилишда қатнашган самарқандлик баҳодирларни — Б. И. Круглов, Е. Я. Лисларни қидириб топиб, уларга абадий ҳайкал ўрнатган бу олжвкор ёшлар ўқиш аълочилари, жамоат ишларининг актив қатнашчилари, юксак одоб-ахлоқ эгаларидир. Бундай ёш **ватанпарвар изтопарларни камол топтираётган мактаб коллективларига, оналарга, меҳрибон ота-оналарга раҳмат.**

6-мактабда «Қидирувчилар» клуби ишлаб турибди. Клуб ўз бағрига изтопарларнинг катта армиясини йиғолди. Улар ижодий изланишларнинг илҳомчилари, ташкилотчиларидирлар. Клубда Ватанимизнинг турли ўлка, республика, область, шаҳар, районларидан, Буг дарёси қирғоқларидан, Брест қалъасидан топиб келтирилган снаряд гильзалар эсдалик сифатида сақланмоқда. Клуб аъзоларининг олиб борган қидирув ишлари натижасида ўзлари ўқиётган мактабни бундан чорак аср илгари битириб чиққан ва Улуғ Ватан уруши даврида бедарак кетган кишиларни, Туркистонда совет ҳокимияти учун курашган, революциянинг номаълум ветеранларини қидириб топмоқдалар ва улар ҳақида тараддуд эсдаликлар ёзмоқдалар, экспонатлар яратмоқдалар. Энг муҳим материалларни тўплашда хизмат кўрсатгани учун бу клуб коллективи Совет Иттифоқи Маршали И. С. Конев имзо чеккан диплом билан мукофотланди.

Ёш изтопарларнинг Бутуниттифоқ юриши ғолибларининг слётида мен ҳам қатнашдим. Биз ёш изтопарларнинг ижодий изланишларини беҳад қадрлаймиз ва уларга тарих шоҳид бўлиб қоладиган энг азиз ва улуғ ишларни яратишда оқ йўл тилаймиз.

Оталар жасорати — авлодлар мероси! Ота-боболарнинг қаҳрамонлик анъаналарининг муносиб ворислари бўлиб етишиш — ҳар бир йигит ва қизнинг инсоний бурчидир.

Эргаш ҲАМИДОВ,
кекса коммунист, Улуғ Ватан урушн қатнашчиси, отставкадаги подполковник.

◆ ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ СИЙМОСИДА МИЛЛИОН-МИЛЛИОН МЕҲНАТКАШЛАР ОММАСИНИНГ ЭНГ ЯҚИН КИШИСИДАН, ЎЗ ЗАКОВАТИ ЖИҲАТИДАН ҒОЯТ НОДИР БИР ЗОТДАН ЖУДО БЎЛДИК. ҲОЗИРГАЧА МАМЛАКАТИМИЗ УНГА ТЕНГ КЕЛАДИГАН ИНСОННИ ЕТИШТИРМАГАНИ МУҚАРРАР БЎЛГАНИДЕК, У БОСИБ ЎТГАН ТАРИХИЙ ЙЎЛНИНГ БУЮК АҲАМИЯТИ ҲАМ ШАК-ШУБҲАСИЗДИР. . .

Г. М. КРЖИЖАНОВСКИЙ.

◆ **ЛЕНИННИНГ ҲАЁТГА БЎЛГАН ВА РАВШАН ИФОДА ЭТИЛГАН ИРОДАСИ ВА ТУРМУШДАГИ ҚАБИҲ НАРСАЛАРГА АЧЧИҚ НАФРАТИ МЕНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРАР, МЕН УНИНГ ҲАММА ИШНИ ЧЕЧАНЛИК БИЛАН БАЖАРИШИНИ КЎРИБ РОҲАТЛАНАР ЭДИМ.**

ЛЕНИННИНГ ШОГИРДЛАРИ, УНИНГ КУЧИНИНГ ВОРИСЛАРИ БУЮК ИШНИ КУНДАН-КУН ЯНА ҲАМ КЎПРОҚ ИШОНЧ БИЛАН, МУСТАҲКАМРОҚ ВА МУВАФФАҚИЯТЛИРОҚ ҚИЛИБ ОЛИБ БОРМОҚДАЛАР.

Максим ГОРЬКИЙ.

ОТАЛАР ҚАСИДАСИ

I.

Оталар
авлодлар бахти-чун
Жангларда жон олиб берди
жон.
Сақлаб ҳалокатдан нуррани
Толеимиз дея тўниб қон,
Юлдуздай учдилар,
Ерни қучдилар,
Толеимиз дея фидо этиб жон!
Ҳаётни,
ҳандани севарди улар
Аммо, на ҳаётга қондилар.
Бешикда ухлаган гўдакларни
деб
Тангларда тириклай ёндилар!
Концлагерларда очлик,
малтандан
Дунёдан бемавруд ўтдилар.
Ҳа, улар дунёдан умидвор
Ғалаба онларин кутдилар...

II.

Йиғламанг, аёллар, йиғламанг,
Йўқ, вайрон бўлмасин
дилингиз,
Муқаддас ишларни ишонч-ла
Давом эттиради ўғлингиз!
Улар ҳам мардона курашур,
Бир хилдир нигоҳи, қараши...
Оталар ухлашар осуда
Крестмас,
юлдузлар остида!

Райим ФАРҲОДИЙ.

В. А. КАРПИНСКИЙ.

ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ЛЕНИН—

(ЭСДАЛИКДАН ПАРЧАЛАР)

◆ ◆

Владимир Ильич Лениннинг Коммунистик партия, Совет давлатининг доҳийси ва оддий бир ўрток, инсон сифатида буюк образини ўқувчиларга таърифлаб бериш ғоят қийин вазифадир. Бундай таъриф-тавсифлаш улкан сўз санъаткорларига ҳам тўла-тўкис муяссар бўлмаган.

Владимир Ильич Ленин пролетар замонаси, халқ революциялари замонаси талаб қилган тарздаги янги, олий типдаги раҳбар эди.

Владимир Ильич Ленин **партиянинг доҳийси ва Совет ҳукуматининг бошлиғи сифатида** даставвал ғоят **зўр ақл-заковатли, аниқ-равшан фикр қиладиган донишманд, зийрак, идракли киши** сифатида кўз олдимга келади. У ҳар қандай ҳодисанинг моҳиятини дарҳол билиб оладиган, ҳар қандай мураккаб воқеаларни энг майда-чўйдаси, иқир-чиқиригача билиб оладиган ва шу заҳотиёқ ўз таҳлилидан аниқ хулосалар чиқаришга қодир эди.

Владимир Ильич революция кунларида диққат-эътиборини, фикрини бир ерга тўплаб, маълум мақсадга қаратарди. У мамлакатда синфий кучларнинг жойланишини ва ҳар бир синф нима мақсадга интилаётганлигини аниқ белгиларди. У воқеаларнинг ривожини олдиндан кўрар, партиянинг сиёсатини, тактикасини бехато белгилаб, янги шиорларни дадил ташларди, ҳатто партия ҳал қилувчи ҳужумга ўтадиган кунларни аниқ айтиб берарди.

Владимир Ильичнинг партия ва Совет давлатининг доҳийси сифатида бошқа бир фазилати унинг **чуқур принципиаллигидир.**

— Принципиал сиёсат ягона ҳукмрон сиёсатдир, — дейишни яхши кўрарди у.

Владимир Ильич энг яқин ўртоқларидан ҳам, агар улар нотўғри йўлга тушгудек бўлса, шафқатсиз равишда алоқасини узарди. Масалан, ўзи билан Петербург пролетарияти ўртасида бирга ишлаган ва ана шу иш юзасидан турмада бирга ўтирган Мартовдан алоқасини узган эди. Шунингдек, Владимир Ильич ўзи ғоят қадрлаган Плехановдан ҳам алоқасини узган эди.

В. И. Лениннинг партия доҳийси сифатидаги учинчи асосий фазилати партия ишининг барча муҳим масалаларини **сира иккиланмасдан ва коллектив равишда ҳал қилишни талаб этишга қодирлигидир.**

Ленин марксча назарияга таянган коллектив партия раҳбарлигини партиянинг ўз олдига қўйган барча мақсадларига эришишда тўла муваффақиятни таъминлайдиган раҳбарликнинг олий принципи деб ҳисоблади.

Владимир Ильич Ленин давлат арбоби сифатида мураккаб масалаларни ҳал қилишда донишманд ва шошилмайдиган, жангда довюрак, халқ душманларига нисбатан шафқатсиз эди. У ҳеч қачон руҳи тушмайдиган, ўзини йўқотиб қўймайдиган киши эди. Совет республикаси ҳаётининг энг оғир дамларида у сира иккиланмасдан қатъият билан тегишли қарорга келар, бу қарорлар халқ манфаатларига мос келишини ва халқ уни қўллаб-қувватлашини биларди.

Халқ Комиссарлар Совети 1917 йил 7 ноябрда олий бош қўмондон вазифасини вақтинча ижро қилиб турган генерал Духонинга дарҳол ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва герман қўмондонлиги билан сулх тўғрисида музокаралар бошлаш тўғрисида фронтга кўрсатма берди. Генерал буйруққа жавоб қайтармади.

Аҳвол ғоят оғир эди. У вақтда армиянинг команда состави тўлатўкис бош қўмондон тарафда эди. Фронтдаги армия ташкилотлари Совет ҳокимиятига қарши кайфиятда эди. Вақтли ҳукуматнинг собиқ раиси Керенский Петроградга контрреволюцион қисмлар билан ҳужумга ўтди. Пойтахтда юнкерларнинг контрреволюцион исёни етилиб қолмоқда эди. Чор Россиясининг иттифоқчи дипломатик вакиллари Духонинни қўллаб-қувватлардилар.

Владимир Ильич Духонинни тўғридан тўғри телефонга чақириб, ундан ҳукумат буйруғини дарҳол бажаришни талаб қилди. Генерал бундан бош тортди. Шунда Владимир Ильич дарҳол кескин қарорга келди, у шу ернинг ўзидаёқ телефондан нари кетмай туриб, исёнкор генерални лавозимидан туширибгина, унинг ўрнига прапорщик большевик Н. В. Криленконни олий бош қўмондон қилиб тайинлади ва радио орқали армияга мурожаат қилиб, душман билан сулх тўғрисида музокаралар юритиш учун ўз вакилларини сайлашга чақирди.

Халқ билан бевосита жонли алоқа қилиш Владимир Ильичнинг партия ва халқ оммасининг доҳийси сифатидаги характерли хусусиятидир.

Владимир Ильич ишчилар билан суҳбатлашишни айниқса севарди. У уларга ўзининг энг эзгу ўйлари: буржуазия устидан ғалаба тўғрисидаги, пролетариат диктатураси тўғрисидаги, меҳнаткаш деҳқонлар иттифоқи тўғрисидаги, социализм қуриш тўғрисидаги фикрларини ўртоқлашарди. Владимир Ильични ишчиларнинг фикрлари, мулоҳазалари ғоят қизиқтирарди. У ана шу фикр ва мулоҳазалрга қараб ўзининг ўй-орзулари ва режаларини текшириб кўрганлигини билардик.

Владимир Ильич Разливдаги чайлада яшаган пайтида унинг ҳузурига Обухов заводининг ишчиси А. В. Шотман тез-тез келиб турарди. Владимир Ильич у билан пролетариат тез орада ҳокиниятни ўз қўлига олиши, фабрика-заводларни капиталистлардан тортиб олиб, ишчилар давлатига топшириши, пролетариат помещиклардан ерни тортиб олиб, деҳқонларга фойдаланишга топшириши, империалистик урушга чек қўйиши тўғрисида суҳбатлашарди.

Владимир Ильич Совет ҳукуматининг бошлиғи бўлгандан кейин халқ билан алоқасини узиш ўёқда турсин, аксинча бу алоқани жуда мустаҳкамлади.

Пропагандист агитатор сифатида у ҳамиша омма орасига интиларди. Москвада турган вақтида, 1918 йил 12 мартдан то 1922 йил 20 ноябргача (бетоб бўлгунича) Владимир Ильич шаҳарнинг ўзида ва Москва атрофида, тўла бўлмаган маълумотларга қараганда, 200 мартадан зиёдроқ (турли мажлисларда сўзга чиққани бу ҳисобга кирмайди) омма орасида сўзлаган. Кўпинча Владимир Ильич кунига бир неча мартадан сўзга чиқарди. Масалан, 1918 йил 1 май куни у митингларда уч бор сўзлаган.

Бу воқеа бундан роса 46 йил муқаддам — 1920 йилнинг 2 октябрида бўлган эди. Комсомолнинг III съездида Владимир Ильич Ленин «Ешлар союзларининг вазифалари» ҳақида нутқ сўзлаган эди. Суратда: В. И. Ленин РКСМнинг III съезди делегатлари орасида.

Рассом П. Белоусов ишлаган расм.

ХОРАЗМ ОРДЕНИ

ТАРИХ МУЗЕЙИДАН ЛАВҲА

□ □

Хоразм меҳнаткашларининг улуғ доҳийга ҳурмати чексиз бўлган. Хоразм ҳукумати «Меҳнат ордени» нинг биринчи марта В. И. Ленинга берилганлиги буни яққол исботлаб турибди.

Хоразм Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Хоразм Халқ Социалистик Республикаси Марказий Ижроия Комитетининг 1922 йил 15 февралдаги тантанали мажлиси революциянинг кўзга кўринган арбобларини, илғор меҳнаткашларни шу орден билан мукофотлаш ҳақида қарор қабул қилди. Хоразм Республикасининг биринчи ордени жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленинга берилди. Айни вақтда шу орден билан М. И. Калинин, Халқ Комиссарлари Советининг ташқи ишлар министри Чечерин, Хоразм Компартияси Марказий Комитетининг раиси Аҳмаджон Маҳмудов ва бошқалар ҳам мукофотланган эдилар.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан доҳий номига табрик хати қабул қиладилар. Шунингдек мажлис атоқли давлат арбоблари М. И. Калинин ва Чечеринларга ҳам табрик хати йўллади.

Орден шакл тузилишига кўра, озод социалистик Хоразм хусусиятини символик ифода қиларди.

Урта Осиё халқларининг делегацияси В. И. Ленин қабулида.

Узбекистон ССР халқ рассоми Л. Абдуллаев ишлаган расмдан репродукция.

◆ **ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ БИЛАН ТЎҒРИ МУНОСАБАТ БОҒЛАШ ЭНДИЛИКДА РОССИЯ СОЦИАЛИСТИК ФЕДЕРАТИВ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ УЧУН, ҲЕЧ МУБОЛАҒАСИЗ АЙТИШ МУМКИНКИ, ЖУДА КАТТА, ЖАҲОНШУМУЛ-ТАРИХИЙ АҲАМИЯТГА ЭГАДИР.**

В. И. ЛЕНИН.

◆ **ВЛАДИМИР ИЛЬИЧ ФАОЛИЯТИДА УНИНГ ШАРҚДАГИ МАЗЛУМ МИЛЛАТЛАРГА ҚИЗИҚИБ ҚАРАГАНЛИГИНИ КЎРСАТИБ ЎТМОҚ ЛОЗИМ. ИЛЬИЧ БИЗГА БОШҚА СОҲАЛАРДАГИ ҚАБИ МАЗЛУМ МИЛЛАТЛАР МАСАЛАСИДА ҲАМ КЎП ҚАШФИЁТЛАРНИ ОЧИБ БЕРДИ.**

АГАР РУС МУЖИГИ ЛЕНИННИ ОТАМ ДЕСА, САРИҚ, ҚОРА ТАНЛИ ҚИШИЛАР ВА БОШҚА ИРҚДАГИ ҲАММА КИШИЛАР ҲАМ УНИ ЎЗ ОТАМИЗ ДЕЙДИЛАР.

С. М. КИРОВ.

Оталар жасорати~фарзандлар мероси

НУР ҚИДИРИБ

Янги ҳаёт тонги осон отгани йўқ. Бу тонг арафасида ўлкамиз осмонини қора булутлар қоплаган эди. Дастлабки коммунистлар, биринчи комсомоллар — ҳозирги ёшларнинг ота-боболари ҳушнуд ҳаёт тонгини қутлуғ қонлари, меҳр-гиёҳлари билан ёритдилар. Йигирманчи йилларда кишиларимиз қандай жасорат кўрсатганлигини ҳозирги ёшлар фақат китоблардан, ҳикоялардан ўқиб, тасаввур этадилар. Биз буларнинг ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрганмиз, шунинг учун ўша оловли йиллар бизнинг онгимизда, дилимизда ҳам ҳаяжон, ҳам шодлик туғдиради.

Мамлакат очлик, вайронликни бошидан кечираётган кезларда халқнинг мард ўғлонлари, янги ҳаёт жангчилари мўътабар, азиз иш учун, эзилган мазлум халқларнинг бахти учун, нур ва сув учун курашдилар. Феодал қолоқлик, жаҳолат ҳукмронлиги шароитида аёлларнинг бу курашга қўшилиши айниқса катта жасорат эди.

Паранжи ташлаб, нур қидириб, остона хатлаган қиз-жувонларнинг тарихда биринчи бор янги курашга отланишлари уларга қанчалик оғир ва мураккаб туюлишини, катта ғов ва машаққатли тўсиқларни енгишга тўғри келганлигини бир тасаввур этиб кўрингчи. Инқирозга абадий юз тутган, ҳалокат кўчаларида алаҳсираб юрган, мудҳиш ва лаънати ўтмиш салтанатини тиклаб қолишга жон-жаҳдлари билан интилиб, ҳалокат-ўлим талвасасидан қийноққа тушган бой-феодалларнинг чангалида қурбон бўлган қанчадан-қанча азиз оналаримиз, опасингилларимизнинг хотирасини бир эслаб кўрайлик-чи! Буларнинг ҳаммаси ҳар биримиздан, замондошларимизнинг ҳозирги ёш авлодидан муқаддас иш курашчилари, — революция қурбонлари хотираси учун таъзим билан бош эгишни, уларнинг умрли ишларини абадий ёдда тутишни талаб этади. Биз шундай қиляпмиз, ҳаммамиз шундай қиляпмиз, бундан кейин ҳам шундай қилаверамиз.

Эсимда, 1922 йилда комсомолга янги кирган пайтимда баъзи кишилар, ҳатто энг яқинларим ҳам мени бу йўлдан қайтармоқчи бўлишган. Лекин, бизнинг юрагимиз тўлқинланар, эркинликни, курашни қумсардик. Хотин-қизлар ана шундай шароитда паранжиларина гулханга ташлар, комсомол, қизил аскар формасини кийиб, маҳаллаларда меҳнаткашлар ўртасида Совет ҳокимиятини, большевикларни ёқлаб тушунтириш ишлари олиб боришарди, янги мактабларда савод чиқариб, бошқаларни ўқитишарди.

Шуниси қувончлики, курашимиз зое кетмади. Ҳур, озод турмуш қурдик. Иқтисодий аҳволимиз, фан-маданиятимиз юксалаверди.

Улуғ Ватан уруши йилларида бошимизга яна оғир кулфат тушди. Катта қурбонлар бериб бўлсада, бу курашда ҳам ғолиб чиқдик. Ватанимиз озодлиги, мустақиллиги учун халқимизнинг кўпгина фарзандлари, жумладан, турмуш ўртоғим журналист Раҳимжон Ғафуров ҳам жанг майдонида ҳалок бўлди.

Ёшлар, фаровон юртимизда бахтиёр яшар экансиз, шу гўзал турмуш учун курашган ота-оналарингизни, кекса авлодни доим ёдда тутинг. Уларнинг муқаддас ишларига содиқ бўлиб қолинг. Революционерларнинг характерини, жўшқинлигини, жасоратини ўрганинг ва бу ҳислатлар ҳар бир ўғил-қизнинг истиқболини қуёшдек ёритиб туравериси!

Чиннихон ИБРОҲИМОВА,
Узбекистон ССР Министрлар Советининг референти, шахсий пенсионер.

БИЗ ЯККА ЭМАСДИК

Бу, воқеа 1923 йили бўлган эди... Мадали қўрбоши одамларига қарши янги куч билан ҳужумга ўтдик. Сафимиз Бешариқ, Конибодом ва Исфара гарнизонларидан танланган йигитлар билан тўлдирилган эди. Қандай қилиб бўлса ҳам, Мадали ва Турди шайкаларини тор-мор этиш керак эди. Мадали билан Турди ўша пайтда Қирғизистоннинг Боткан водийсида ҳамда Фарғона атрофидаги қишлоқ ва шаҳарларда энг ашаддий босқинчи, каллакесарлардан эди.

Булутли тун. Белгиланган маршрутга мувофиқ, Мадалининг уйига яқинлашдик. У маҳаллий амалдорлар, Қўқон мухториятидан қочган шариат пешволари, контрреволюционерлар билан маишат қилиб ўтирарди. Сафимизга қўшилган фаоллар билан уларни кайф устида қўлга туширдик. Босмачининг уйи тинтув қилинди. Қурол-яроғлар қўлга олинди, Қизил аскарларга берилди.

Энди Турди тишини ғичирлатиб, қизил аскарларга, халққа қарши ҳужумга ўтган эди. Ботканнинг баланд тоғларидан ўтиб, Исфара гарнизони бошлиғи Абдураҳмон Мўминов бошчилигида тоғ орасида Турдининг изидан тушди қизил аскарлар. Шу пайт унинг ёрдамчиси сезгирлик қилиб, қочиб қолди. Унинг одамлари қаттиқ ва шиддатли ўқ ёғдирди. Лекин, бўш келиш керакмиди? Йўқ. Ячейкада оператив ҳаракат қилаётган комсомоллар Бешариққа хабар қилишди. Қизил байроқларини ҳилпиратиб, Ҳамдам ака бошлиқ гарнизоннинг отлиқ аскарлари ёрдамга келишди. Турдининг кучлари зайфлашиб қолган эди. У 10 чоғли одамлари билан Хўжандга қочди. Ниҳоят, Хўжанд атрофида ва Қўқон шаҳар ва қишлоқлари теварагида босмачи шайкалари тор-мор қилинди.

Бу, Ленин комсомоли аъзоларининг қаҳрамонона курашини ва жасоратини акс эттирувчи бир лавҳа, холос.

Бизнинг ёшлик революция бўронларида туғилди, кураш оловларида тобланди. Оталар мероси, оталар эстафетаси ҳозирги ёш авлод учун ҳаёт мактаби, қаҳрамонлик ва жасорат мактаби бўлиб қолади.

Энди давр ҳам, одамлар ҳам янги. Ажойиб замоннинг кишилари бўлиб турибмиз. Бундан кейинги юришлар, маршрутлар жанг маршрутлари эмас, балки коммунизм ғулбоғлари сари олға интилиш ва буюк ишларни амалга ошириш маршрутларидир.

Қодиржон МИРЗААҲМЕДОВ,
Комсомол ветерани, кекса коммунист.
Қўқон шаҳри.

СУЯНГАН ТОҒИМИЗ ШОНЛИ ПАРТИЯ

«Ленин тириклардан тирик ҳар қачон». В. Косовский фотоси.

Инсондан из қолсин

Инсон — яратувчи, инсон — ижодкор, инсон — гўзаллик ва кўркамлик шайдосидир.

Инқилобдан илгариги ҳаёт билан ҳозирги турмушни бир таққослаб кўринг-а! Тошкент кўчалари ботқоқ эди, от-уловсиз кириб бўлмасди. Шўртепадан аравада чиққан одам Салор бўйига келиб бир тўхтаб, тунаб, кейин Тошкентга ўтарди. Шундан тасаввур қилаверинг Тошкентнинг ўтмишда қандай бўлганлигини.

Эндиликда-чи? Тошкентнинг жамолига боқиб тўймайсиз. Тўғри, зилзила оқибатида кўпгина уй-жойлар бузилиб кетди. Лекин, азим шаҳримиз қаддини тез ростлаб олмоқда. Уни бутун мамлакат, барча совет халқлари қад кўтартирмоқда. Шуни айтишим керакки, иморатлар бузилгани билан Тошкент ўз яшил бойликларини сира йўқотгани йўқ: ҳар хил дарахтлар унинг ҳуснн-латофатини кўз-кўз қилиб турибди.

Хўш, бу дарахтлар қачон ўтқазилган, дерсиз. Илгари ҳам инсон яшилликни севган, унга мафтун бўлган, Тошкентда қўлидан келгунча ниҳоллар ўтқазган. Йиллар ўтиб, ана шу дарахт ниҳоллари вояга етди, мева берди, соя ташлади. Тошкентни кўркам шаҳарга айлантирди.

Ёшим саксон олтида. Эс-ҳушимни таниган чоғимда бундан 86 йил илгари бўлган воқеаларни ҳам эшитганман. Тўғрисини айтсам, ҳозиргидек турмуш аввалларида бўлмаган. Ўн уч ёшимда Тошкентдаги Иванов деган бойникида хизмат қилганман. Отам ҳам ўша бой қўлида хизмат қилиб ўтган. Боғ яратишни, токзорлар барпо этишни, мевали дарахтлар ўтқазишни жуда ёшлигимда бошлаганман. Йигирма беш ёшимда Дегрезда боғбонлик қилганман. Сўнгра Кенгсойда боғлар яратдик, Оқковоқ марказий станциясида токзорлар барпо этдик. Хуллас, умримнинг етмиш икки йилини яшил бойлигимизни, турли-туман дарахтларни кўпайтиришга бағишладим.

Мақтаниш эмас, шу кунга қадар республикамизнинг турли бурчакларида, хусусан, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Ленин номли, Калинин районидаги бир қатор колхозларда, Мирзачўлда, Фарғона водийсида, Бухорода ва бошқа жойларда 3.110 гектар ерда боғ ва токзорлар яратдим. Бу ишларимга кўпгина ўртоқлар кўмаклашишди, албатта.

Ҳозир ана шу боғларда, токзорларда бўлган киши у ерлардан кетгуси келмай қолади. Чунки, бу боғлар афсоналардаги жаннатни ҳам орқада қолдириб кетади.

Бу сўзларни мен шунинг учун айтаётирманки, ёруғ дунёга келган ҳар бир киши ўзидан бир умрга из қолдириши, биринчи галда мевали ва мевасиз дарахтлар, узумзорлар қолдириши керак. Ҳар бир киши умрида лоақал ўнта чўпни ерга суқса, ундан саккизтаси униб чиқса ҳам шаҳарларимиздаги, қишлоқларимиздаги дарахтлар сони қанчадан-қанча кўпайиб кетади. Бутун-бутун аҳоли яшайдиган жойлар яшил боғ бўлади.

Мен ҳозир ҳам Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигида узумчилик бўйича бош мутахассис бўлиб ишлаяпман. Энди қаридим, деб қўл қовуштириб ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Республикамизнинг турли бурчакларида бўлиб, боғлар барпо этиш ишига қатнашяпман, токзорларни кўпайтиришга ёрдам беряпман. Менинг тенгдошларим, улардан кичик кишилар ҳам шундай қилишса, умум ишимизга жуда катта манфаат келтирилган бўлур эди.

Яқинда Тошкент шаҳрини айланиб чиқдим. Баъзи бульдозерчилар, скреперчилар бузилган уйларнинг деворларини текислаётиб, дарахтларга ҳам озми-кўпми шикаст етказишяпти, баъзи дарахтларнинг пўстлоғи қўпорилиб кетяпти. Янги уй-жойлар қуриш учун ажратилган ерларда ҳам шундай бўляпти. Ахир, ҳозирдан қарашилмаса бу дарахтлар янаги йил қуриб қолмайдими? Бу билан мен уйларни бузганда дарахтларга ҳам эҳтиёт бўлиш кераклигини тағин бир марта уқтириб ўтмоқчиман.

Болаларим, ҳамшаҳарларим, республикамизнинг барча кекса-ю, ёш кишилари! Пировардида сизларга айтадиган икки оғиз гапим бор: ўзингиз истиқомат қилиб турган жойда дарахтларни кўпайтираверинг. Бу билан сиз ноз-неъматларни мўл қилган бўласиз, яшил бойлигимизни янада кўпайтирган бўласиз. Шу билан бирга келажак авлодга ўзингиздан ўчмас из қолдирасиз.

Ҳамма шундай қилсин!

Ризамат МУСАМУҲАММЕДОВ,
машҳур кекса боғбон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофоти лауреати.

ЎРИНБОСАРЛАРМИЗ

Оталар! Бу азиз ва мўътабар сўзни станок ёнида туриб ҳам, дорилфунунда ҳам, тарих китобини варақлаганда ҳам — хуллас ҳаммавақт, ҳаммаерда фахр билан тилга оламиз, этиқод билан эъзозлаймиз. Чунки, улар революция бўронларида қон кечиб, душманлар ўқига кўксини қалқон қилиб, бизга озод ва ҳур ҳаётни инъом этди.

Оталаримиз бизга мардлик ва қаҳрамонликни, революция, коммунизм ишига садоқат ва авлодларга ҳурматни, битмас-туганмас шон-шуҳратни мерос қилиб қолдираркан, қасамёд қиламизки, биз сизларнинг буюк анъаналарингизнинг давомчисимиз, Ватан, партияга ҳамиша содиқ бўламиз, бошлаган йўлларингизнинг издошимиз! Сизлар каби меҳнатимиз, ҳаётимиз, бутун қалбимиз билан порлоқ келажак учун хизмат қиламиз!

Ш. АЗИМОВ,
Л. ТИМОФЕЕВА,
В. СУЛАЙМОНҚУЛОВ,
Р. ЙЎЛЧИБОЕВА,
Кўкон экспериментал электр машинасозлиги заводининг ишчилари.

ДЕҲҚОННИНГ ДЎСТИ

Мамлакатимиз ёшларининг вакиллари Қизил майдонда партияга садоқат билдириб қасамёд қилдилар.

Қасамёд қилган ёшлар ўртасида жонажон республикамизнинг турли областларидан, жумладан, мен яшаб турган Фарғона областининг ўспирин йигит-қизларидан Х. Охунов, Т. Морозова ва Х. Шарипов каби ўтюрак комсомоллар бор.

Ана шу қасамёд қилинган кунларда мен ҳам ўзимнинг партияга содиқлигимни яна бир марта намойиш қилиб, «пўлат отъга миндим. Бошқа механизатор ёшларга намуна бўлиб, дастлабки куни «зангори кема» бункеридан 6 тоннадан «оқ олтин» тўкдим. Бу йил 250 тонна пахта теріб бериш мажбуриятини олганман. Яқин кунлар ичида зиммага олинган социалистик мажбуриятимни бажараман, албатта.

Қ. КЕНЖАЕВ,
Фарғона область, Киров районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СОДИҚМИЗ

Мен Совет халқининг революцион, жангговар ва меҳнат шонШуҳрати жойлари бўйлаб комсомол-ёшлар ўтказган поход қатнашчиларининг иккинчи Бутуниттифоқ слётида қатнашганим йўқ. Бироқ, бутун қалбим билан слёт ишини кузатиб турдим. Слёт ўз руҳи билан совет ёшларининг оталар ишига, партия, Ватан, халқ ишига содиқ эканликларини намойиш қилиб кўрсатди. Айниқса, ёшларнинг Қизил майдонда ўтказилган митингларн хотирамдан абадий кўтарилмаса керак. Қалби олов ёшлар дунёда энг муқаддас жой ҳисобланган бу ерда Ватан, партия ишига умрбод содиқ эканликлари ҳақида қасамёд қилдилар. Қалб кўри билан битилган қасамёдда шундай сўзлар бор: «Ўз ёшлигимиз ҳақи коммунистлар ишига содиқ бўламиз, деб сенга қасамёд қиламиз, ўртоқ партия! Бизнинг авлодимиз Ленин йўлидан асло четга чиқмайди. Юрагимизнинг ҳар ондаги зарби ҳақи, ҳаётимизнинг ҳар бир куни ҳақи, бутун умримиз ҳақи қасамёд қиламизки, ер юзида коммунизмни қарор топтирамиз».

Слёт ўз ишини тугатганига бир неча кун бўлди. Лекин, унинг руҳи ҳамон яшамоқда, бундан кейин ҳам яшайвераді. Биз институтда студентлар билан бирга ана шу қасамни ўрганиб чиқдик. Ёшлар жанговарлик билан суғорилган қасамдаги барча сатрларни ёдлаб олдилар.

Улар бутун иродалари, талантлари, ижодкорликлари билан улуғ Ленин ишига содиқмиз, деяптилар.

В. НУРМАТОВ,
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти комсомол комитетининг секретари.

ДОҲИЙ, ЎРТОҚ, ИНСОН

Владимир Ильич съездларда, оммавий мажлис, митингларда кўп марта сўзга чиққанлиги маълум. В. И. Ленинни **нотиқ сифатида** таърифлашга ўриниб кўраман.

Владимир Ильич Ленин кишини ҳайратда қолдирадиган даражада, фақат ўзига хос тарзда тингловчиларнинг бутун диққат-эътиборини тезда ва бутунлай ўзига қаратиб олиш қобилиятига эга эди. У ҳар бир аудитория учун ўзига хос йўл топа олар, алоҳида далиллар танлаб топар, з фикрини изҳор қилишнинг алоҳида услубини қўлланарди.

Кунлардан бирида Лениндан у омме ўртасида сўзга чиққанида нега бунчалик катта муваффақият қозонишининг сабабини сўрашган. Владимир Ильич шундай жавоб қайтарган:

—Бунинг сири жуда жўн. Мен «нотиқ» сифатида сўзга чиққан пайтимда ҳамиша тингловчиларим тўғрисида ишчилар билан деҳқонлар тўғрисида ўйлагандек ўйлайман.

Дарҳақиқат, В. И. Ленин ишчилар ва деҳқонларнинг йиғилишларида содда, аниқ, ишонарли қилиб сўзларди. У оддий халқ сўзида учрайдиган сўзлар ва иборалардан фойдаланиб, уларнинг турмушини, ҳаётини, эҳтиёжини билиши билан тингловчиларни ҳайрон қолдирарди.

1917 йилда ишчилар ўртасида кўпгина ҳар хил нотиқлар сўзга чиққан. Уларнинг айримлари жуда чиройли гапиришарди-ю, лекин таъсир ўтказолмасди, ишчиларнинг кўнглига йўл тополмасди.

В. И. Ленин сўзга чиққанида уни илгари ҳеч кўрмаган ишчилар ҳам дарҳол ўзларига яқин киши топганларини пайқаб:

—Мана бу бизнинг одам! Эшитяпсанми, ҳақиқатни боплаб гапиряпти! — дейишарди.

В. И. Ленин кўпгина партия органларига муҳаррирлик қилган. Биз Ленин билан редактор сифатида ҳам танишиб чиқишимиз керак.

Владимир Ильич жуда қаттиқ қўл муҳаррир эди, лекин у инжиқ эмас эди. Мақолани таҳрир қилар экан у жуда зарур бўлган тузатишларнигина киритиш билан кифояланарди. Бу борада унинг аъло даражада стилист бўлган Луначарскийнинг бир брошюраси тўғрисидаги хати қизиқарлидир. Владимир Ильич брошюрада эҳтиётсизлик билан таърифланган жойларни топганки, бунга ғанимлар инжиклик қилиши мумкин эди. Лекин у бўёқчилик қилиб ўтирмай, қўлёзмани тузатиб босмага берган.

Ленин Владимир Ильич агар зарур бўлса, мақолаларни қайта-қайта ишлашни ҳам талаб этарди.

Владимир Ильичнинг ишчилар, деҳқонлар, солдатлар билан бўлган кўп учрашувлари ва суҳбатлари В. И. Лениннинг оддий, лекин жуда муҳим қиёфасини кўрсатадики, биз назариётчи, доҳий тўғрисида гапирганимизда, буни эсдан чиқариб қўямиз. **Владимир Ильич халқни, меҳнат аҳлини севарди.** Бу ҳақда Надежда Константиновна Ленин дафн қилинаётганда жуда яхши гап айтган эди.

—Унинг юраги барча меҳнаткашларга оташин муҳаббат билан урарди.

Владимир Ильич ўртоқ сифатида жуда хушмуомала, меҳрибон ва одобли эди. У ўз қарамоғидаги кишиларни ишчилар, деҳқонларни «Сен» деб гапирмасди.

Ҳеч бўлмаса саломлашиш, сўрашиш одатини мисолга олайлик. У қаддини сал эгиб, қўлининг тирсагини бир оз букиброқ, қўлини узатганида кўзингизга тик боқар, хушнудлик билан жилмаяр эдики, сиз унинг яқин ўртоқ, дўстлигини сезиб, бахтиёр табассум қилардингиз.

Ленин ўзининг қабулига келган совет кишиларини ҳурмат-эҳтиром билан қабул қиларди. Лекин у шахсан ўзига нисбатан билдирилган алоҳида ҳурмат-эҳтиром белгиларига чидаб туролмасди. У минбарга чиққанида бўладиган ҳисобсиз гулдурос қарсакларга очиқдан-очиқ норози бўлиб қарар, соатини кўрсатиб, қимматли вақтни бундай беҳуда ишга сарфлаб бўлмайди дегандек турарди.

Владимир Ильичнинг **шахсий ҳаётидаги** айрим фазилатлари ҳақида гапириб ўтмоқчиман.

Владимир Ильич эмиграцияда юрган даврида моддий аҳволи яхши эмас эди. Ошкора нашр қилинаётган асарлари учун мунтазам равишда қалам ҳақи олиб турмасди. Шундай ҳодиса юз бердики, «ғоят камхаржлик» бошланди. Ўшанда Владимир Ильич рефератларни даромад олиш мақсадида ўқирди, Надежда Константиновна эса дарс берарди ёки Россияга юбориладиган Швейцария фирмалари рекламаси конвертларига лавҳа ёзиб юборарди. Албатта, бундан келадиган пул кўп эмасди.

...Одатда, буюк одам шахсий турмушда, уй-рўзғорда ҳам қандайдир мутлақо алоҳида хусусиятли киши деб ўйлашади. Бу нотўғри, ҳеч бўлмаганда Владимир Ильич бундай эмас эди. У оддий, камтар одам эди...

Мен Владимир Ильич Ленин тўғрисида хотирамда қолган нарсаларни эслаганимда, ҳамиша у фақат ўз ғоялари жиҳатидангина эмас, турмушда, ҳаётда ҳам коммунист эди, коммунистик жамиятда яшайдиган мукаммал одамларнинг тимсоли эди деб ўйлайман ва шундай ҳис қиламан.

ДЎСТЛИК ЙЎЛИ

Гиёҳсиз Устюрт чўллари асрлар оша мудраб ётарди. Совет тузумининг ҳаётбахш, қудратли одими бу ерларга ҳам етиб келди. Қардош халқлар қалбини иситган Ўзбекистон гази Россияга шу ердан ўтмоқда. Бунда Павка Корчагин издошлари қаҳрамонлик, жасорат нўрсатмоқдалар. Чўлларни забт этиб, газ қувурларини ўрнатаётган ёшлар орасида Валентин Свиридов, Сагин Утегенов, Иван Жихарев сингари азаматларни кўрамиз. Улар Бухоро — Урал газ қувурини ўтказишда ҳам намуна кўрсатган эдилар. Азаматлар Бухородан Челябинск ва Свердловскнача бўлган нимсасиз чўлда ҳам қум бўронлари билан олишиб, ёмғир-қор тўфонларини енгиб, из солган эдилар. Бугун улар Устюртни ҳам енгиб, ўрмонлар оша дўстлик машъалини Россия томон олиб бормоқдалар.

Қийин, аммо шарафли иш. Буни яхши англаган Валентин, Сагин ва Иван янги дўстлик йўлини қуришга жон-диллари билан отилиб келдилар. Леонид Коновалов бошлиқ бўлган механизациялашган колоннада иш олиб бораётган бу илғор пайвандчилар тамирлар чокини пайванд қилишда ҳаммага намуна кўрсатмоқдалар.

— Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллигини, отамиз Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун аввал Эмбага кейин Саратовга олиб бориладиган зангори олов йўлининг муддатидан илгари бажарилиши учун бутун куч-ғайратимизни сарф қиламиз, дейди улар. Меҳнатсевар йигитлар ўз сўзларининг устидан чиқиш учун кучга куч, ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Зангори олов йўлини қураётганлар орасида ўз меҳнати, жасорати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган ёш мутахассислар кўп. Механик Виктор, механизациялашган колоннанинг бошлиғи Леонид шулар жумласидандир.

Биз ёшлар, шундай катта ва шарафли ишда қатнашаётганимиз билан фахрланамиз.

Н. ТЕФИКОВ,
машинист.

РАУФ ЁРДАМГА ОШИҚАДИ

РЕПОРТАЖ

Рауф Юнусов узоқ сафардан эндигина қайтиб келиб, дам олишга чоғланиб турган эди, шундай хабар келиб қолди:

— Тяньшань тоғи чўққиларига кўтарилаётган бир гуруҳ альпинистлар билан алоқа узилиб қолди. Тезда ёрдамга учиш лозим!

Рауф бу гапни эшитиши биланоқ, чарчоғини ҳам, уйқуни ҳам унутиб, вертолётн томон ошиқди. Харитадан қидириладиган жойни тахминан белгилаб олди-да, осмонга кўтарилди. Довюрак учувчи қоялар, чўққилар оша кўк тумбазига кўтарилиб, ўр-қирларни бирма-бир кўздан кечирди. «Қаерга кетишлари, мумкин?» ўзига-ўзи савол берарди. Ҳозир у, тополмадим, деб орқасига қайтиши мумкин эди. Ҳеч ким бунинг учун у кишидан гина қилмасди. Ахир, озмунча учдими ҳавода. Йўқ, азамат учувчи, бундай қилмади. Бундай қилиш унинг ҳаёлига ҳам келмади. У, аксинча, яна пастроқ шўнғиб, қидиришга аҳд қилди. Ахир, бу хавфли-ку! Қояларга урилиб кетиши мумкин-ку! Унинг кўзига ҳозир ўз жонимас, нотаниш, дўстларининг ҳаёти кўринарди. Совет ёшларига хос жасорат, дўстлик туйғуси қонида мавж урарди. Рауф вертолётини пастлатиб, қат-қат тоғ оралиқларини синчиклаб кузатди. Ниҳоят мақсадига етди. Йўқолган альпинистларни топди. Оҳиста ерга қўниб, тоғ соҳибларига озиқ-овқат, керакли ашёларни етказди. Бундан руҳланган альпинистлар йўлларида давом этдилар. Чўққи забт этилди. Ғалаба билан қайтган альпинистларни, тоғ этагида кутиб олган Рауф Юнусов, уларни пўлат отида Тошкентга олиб келди.

Ўзбекистон вертолёт авиацияси-нинг учувчиси Рауф Юнусов ёш бўлса ҳам ўзининг уддабуронлиги, довюраклиги билан касбдошлари орасида танилди. Унинг ҳаётида юқоридаги каби воқеалар кўп бўлган.

Вертолёт бўлинмаси штабига қўнғироқ қоқишди:

—Чўлда бир киши адашиб қолибди—деди қидирув партиясининг бошлиғи,—қидириб топишолмабди. Учувчилар, ёрдам берінг!

Ўша куни ҳаво булут бўлиб, эрталабдан бошлаб майдалаб ёмғир ёғарди. Булут пардаси орасидан ердаги ҳеч нарса кўринмасди. Фақат, ҳавони олдиндан айтувчилар, ҳозир ҳаво очилиб кетади, дейишарди. Шамол туриб, булутларни у ёқ-бу ёққа ҳайдай бошлади. Шарқ томондан ҳаво ёришди. Рауф вертолётига минди...

Пастда на бир дарахт, на бир уй бор. Учувчининг зийрак кўзлари, қорайиб турган, бир нарсага тушди. Аниқланишича у ташландиқ бир қўтон экан. Ичида ҳеч ким кўринмади. Лекин Рауф, эринмай, ерга қўниб, уни кўриб, айланиб чиқишга қарор қилди. Бахтни қарангки, чўлда 8 кечакундуз юриб чарчаб, ҳолдан тойган, адашган киши девор тагида, қум босиб ётарди. Кишининг ҳаёти сақлаб қолинди.

Тошкентнинг йўлдош шаҳри Сергилидаги вертолёт авиациясида хизмат қилаётган ўнлаб довюраклар, сафида Рауф Юнусов командир бўлган «МИ-4» машинаси экипажи коммунизм ёшларига хос меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, элсеварлик намуналарини кўрсатмоқда.

М. ВИШЕДСКИЙ,

Суратда: Р. Юнусов.



Навоий химия комбинатининг қурилишини Ўзбекистон комсомоли ўз оталиғига олган эди. Ҳозирги кунда бу комбинат қишлоқ хўжалиги учун кўплаб минерал ўғитлар ишлаб бермоқда. Суратда: комбинатнинг аммиак ишлаб чиқариш цехининг кўриниши.

В. Сироткин фотоси.

◆ ● ◆

⊙ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИ ЎЗ БИЛИМИ, ЎҚИШИ ВА ЎЗ ТАРБИЯСИНИ ИШЧИ ВА ДЕҲҚОНЛАРНИНГ МЕҲНАТИ БИЛАН ҚЎШМОҒИ КЕРАК, У ЎЗ МАКТАБИДА ЎРАЛИБ ҚОЛМАСЛИГИ ВА ФАҚАТ КОММУНИСТИК КИТОБЛАР ҲАМ БРОШЮРАЛАРНИ ЎҚИШ БИЛАНГИНА ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК. ИШЧИ ВА ДЕҲҚОНЛАР БИЛАН БИРЛИКДА МЕҲНАТ ҚИЛГАНДАГИНА ЧИНАКАМ КОММУНИСТ БЎЛИШ МУМКИН.

⊙ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИ ҲАММАНИ ЁШ ЧОҒИДАН БОШЛАБ ОНГЛИ ВА ИНТИЗОМЛИ МЕҲНАТ БИЛАН ТАРБИЯЛАШИ КЕРАК... ЁШЛАР ҲАР КУНИ ҲАР БИР ҚИШЛОҚ, ҲАР БИР ШАҲАРДА УМУМИЙ МЕҲНАТНИНГ БИРОР ВАЗИФАСИНИ, МАЙЛИ, ЭНГ КИЧИК, ЭНГ ОДДИЙ ВАЗИФАСИНИ АМАЛИЙ РАВИШДА ҲАЛ ЭТСИНЛАР.

В. И. ЛЕНИН.



Андижон область, Задарё районидаги «Восток» совхозининг моҳир механик-ҳайдовчиси Муродали Юсупов ҳозиргача 60 тоннадан ортиқ пахта терди. Суратда: М. Юсупов ва терим манзараси.

Ш. Османов фотоси.

БУГУН БУТУНИТТИФОҚ ЎҚИТУВЧИЛАР КУНИ

ТАБРИКЛАЙМИЗ, АЗИЗ МУРАББИЙЛАР!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Тошкент шаҳридаги 24-ўрта мактабни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Ўқувчиларни ўқитиш ва коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида эришган муваффақиятлари учун Тошкент шаҳридаги 24-ўрта мактаб Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1966 йил, 30 сентябрь.



«Ўқитувчилар куни» арафасида фото мухбир В. Сироткин Тошкент шаҳрининг Октябрь районидаги 1-мактабдан олган бу суратда мактаб ўқувчилари ўз устозларини байрам билан табриклаётган пайт тасвирланган.

ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ

Ўқитувчи! Киши эсини таниши билан мана шу улуғ зотга шогирд тушади. Ўқитувчи унга ўзининг бутун билимини, маҳоратини, қалб кўрини беришга интилади, ўз шогирдида инсоннинг энг яхши фазилатларини кўргиси келади. Ҳали ҳеч биримиз ўқитувчининг бу эзгу ниятни амалга ошириши учун қанча тунларни мижжа қоқмай ўтказганини, ҳаяжонланганини ҳисобга олмаганмиз. Лекин бунинг нақадар машаққатли ва олижаноб иш эканлигини билганимиз учун бутун муҳаббатимизни унга изҳор этиб, бу улуғ зот — устозни халқ ўқитувчиси деб номлаймиз.

Улуғ доҳийимиз В. И. Ленин бизда халқ ўқитувчиси деган номни юқори кўтариб, эъзозлаш зарурлигини таъкидлаган эди. Доҳий васиятини амалга ошириш йўлида бутун мамлакатимиз қатори республикамизда ҳам катта ишлар қилинди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонимизда 120 мингдан ортиқ ўқитувчи бўлиб, улар 2 миллиондан ортиқ ўғил-қизларимизни коммунизм қурувчилари қилиб етиштирмоқда. Қалби қуёш устозлардан кўплари «Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» деган қутлуғ ном эгасидир. 6.700 дан кўпроқ ўқитувчи ва халқ маорифи ходимига СССР орден ва медаллари берилган. Куни кеча СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан 12 мингдан ортиқ халқ ўқитувчиси СССР орден ва медаллари билан мукофотланди. Тошкентдаги 24-мактабнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланганлиги партия ва ҳукуматимиз коммунизмнинг ёш қурувчилари тарбиячиларига нақадар катта эътибор бераётганликларининг ёркин мисолидир.

Республикамизда халқ маорифи тобора ривожланмоқда. Кейинги етти йил ичида умумий таълим мактаблари тармоғи сезиларли даражада кўпайиб, унда ўқувчилар сони деярли икки баравар ошди. Умумий таълимни тўла жорий этишни таъминлаш йўлида катта тадбирлар амалга оширилмоқда.

Янги беш йиллик ўқитувчилар армияси сафини кенгайтиришда қувончли воқеалар билан нишонланмоқда. Биргина шу йилнинг ўзида мактабларимизга 4 мингдан ортиқ малакали ўқитувчи келди. Шундан 2 мингдан кўпроғи олий маълумотли ўқитувчилардир. Умуман, нейнги етти йил мобайнида ўқитувчилар сони 75 минг кишидан 121 минг кишига етди. Олий маълумотли педагоглар сони шу вақт ичида 5 баравар кўпайди. Ўқитувчиларнинг деярли ярмини хотин-қизлар ташкил этади.

Партия ва ҳукуматимиз халқ маорифига эътиборни кучайтириб, Иттифоқ-республика маориф министрлигини ташкил этдилар. Шунингдек, КПСС Марказий Комитети ва СССР ҳукумати ССР Иттифоқи Педагогика академияси ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу тадбирлар мамлакатда халқ маорифига раҳбарликни янада яхшилаш ва ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришда педагогика фани ролини беқиёс оширади.

Халқ маорифини яқин беш йил ичида янада юксалтириш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлари Совети қабул қилган «Ўзбекистонда умумий таълим мактаблари ишини янада яхшилаш тадбирлари ҳақида»ги қарори республикамиз ўқитувчиларининг программ ҳужжати бўлиб қолади.

Умумий таълим мактабларини яхшилаш масаласи Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясида махсус муҳокама қилинганлиги мактаблар фаолиятини тағин ҳам яхшилашда катта воқеа бўлди. Ҳозир бу масала область партия комитетлари ва ижроия комитетларида, район партия комитетлари ва ижроия комитетларида, маҳаллий Советларнинг сессияларида атрофлича муҳокама қилиниб, республика Олий Совети сессияси Қонунларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан амалий тадбирлар белгиланмоқда.

Совет ўқитувчиси ёш авлодга билим беришгина қолмай, уни янги жамиятнинг актив қурувчиси қилиб ҳам тарбиялаши даркор. Шу боисдан ҳам республикамиз мактабларида янги ўқув йилидан бошлаб мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди. Мактабларнинг педагогик коллективлари илм даргоҳида тарбиялананётган коммунизм авлодларининг ҳар томонлама мукаммал кишилар бўлиб етишишлари учун куч-ғайратларини аямай меҳнат қилишларига ҳеч шубҳа йўқ.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар! Коммунизмнинг муносиб қурувчиларини тарбиялаб вояга етказишдек улуғвор ишда катта муваффақият тилаймиз.

С. РОЗИҚОВ,
Ўзбекистон ССР маориф министрининг ўринбосари.

125 МИНГ ЎҚИТУВЧИНИ МУБОРАКБОД ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон меҳнаткашлари республикининг 125 минг ўқитувчисини шонли байрам — Бутуниттифоқ ўқитувчилар куни билан табриклашдилар.

Ёш авлоднинг азиз мураббийлари ва дўстлари шарафига 1 октябрда Тошкентдаги Алишер Навоий номли театрда тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. Р. Расулов очди. Ўзбекистон ССР маориф министри А. М. Қўчқоров партиянинг содиқ дастёри бўлган ўқитувчининг шарафли меҳнати тўғрисида гапирди.

А. М. Қўчқоров Бутуниттифоқ ўқитувчилар куни арафасида Тошкентга хуш хабар келганлигини айтди. Республика мактабларининг ўқитувчиларидан катта бир группаси СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, Совет Иттифоқи орден ва медаллари билан мукофотланди.

Болалар ўз ўқитувчиларига гулдасталар тақдим этдилар. Саҳна усталари ўз қўшиқ ва рақсларини туҳфа қилдилар. (ЎзТАГ).

АССАЛОМ, УСТОЗЛАР

Дунёда ўқитувчиликдан кўра ҳам қутлуғроқ, шарафлироқ ва машаққатлироқ касб бормикан ўзи!! Инсониятнинг улуғ доҳийлари-ю, ақл-заковати билан жаҳонни ҳайратда қолдирган мутафаккиргача, ер юзи аҳолисини кийинтирувчи ва овқатлантирувчи қадоқ қўллк, деҳқондан тортиб космик кемаларни яратувчи ишчигача — ҳамма-ҳамма мана шу табаррук ўқитувчининг таълимини олган. Шу боисдан СССР Олий Совети Президиумининг «Ўқитувчилар куни» арафасида Тошкент шаҳридаги Димитров номли 24-мактабни Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирлаганлиги устозлар таълимини кўрган талабалар қувончини беҳад ошириб юборди.

...Революциянинг илк йилларидаёқ Сағбондаги Рус-тузем мактаби ўрнида совет мактаби таш кил этилди. Бойнинг ҳовлисида машғулот ўтказиларди ўша даврларда. Орадан кўп ўтмай мактабга янги бино қурилди. Бундан 30 йил муқаддам у ўрта мактабга айлантирилди. Шу даврдан буён бу илм даргоҳига Карим Расулов директорлик қилиб келади.

— Мактабимиз ўттиз йилдан буён минг-минглаб ўғил-қизларимизга ҳаёт йўлланмасини бериб келмоқда, — дейди қувонч билан директор. — Булар орасида олим ва инженер, фан доктори ва коммунистик меҳнат зарбдори номини олган новатор ишчилар жуда кўпчилликни ташкил этади. Мактабимизнинг собиқ талабалари ҳозир партия-совет органларида раҳбар вазифаларида ишламоқдалар. Тошкентлик оддий ишчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Икром Акмалов ҳам ҳаётга бизнинг мактабимиздан йўлланма олган.

Кейинги 17 йил ичида бу қутлуғ илм даргоҳи уч мингдан ортиқ йигит ва қизни учирма қилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 285 навқирон авлод етуклик аттестати олди.

Мактаб коллективи ўқишни тугатган талабаларининг ишга ва олий ҳамда ўрта ўқув юртларига жойлашиши учун алоҳида ғамхўрлик қиладн. Шу туфайли ўтган ўқув йилида етуклик аттестати олган йигит ва қизларнинг 210 таси олий ва ўрта ўқув юртларига муваффақиятли имтиҳон топшириб, студент деган номни олди.

Ордевли мактабнинг кўпчилик ўқитувчилари донги бутун республикага кетган. Қудрат Аҳмедов, Саидкарим Яминов, Маннон Раупов, Муҳаррама Зоҳидова, Карим Расуловларга республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи деган шарафли унвон берилган. 24 ўқитувчининг кўксини «Халқ маорифи аълочиси» значоги безаб турибди.

Кеча, «Ўқитувчилар куни» арафасида мактабнинг юксак мукофотга сазовор бўлганлиги муносабати билан бу илм даргоҳида катта митинг бўлиб ўтди. Шаҳар ва район партия комитетларининг, республика Маориф министрлиги ҳамда район ва шаҳар халқ маорифи бўлимларининг вакиллари машъал мактаб коллективини чин юракдан қутладилар ва ёш авлодга билим чўққиларини эгаллашида катта муваффақиятлар тиладилар.

А. НАБИХЎЖАЕВ.

МАТБУОТ—ПАРТИЯНИНГ ЖАНГОВАР ҚУРОЛИ

СССР журналистларининг иккинчи Бутуниттифоқ съезди 30 сентябрда ўз ишини давом эттирди.

Делегатлар правление ва ревизия комиссиясини сайлаш тўғрисида саноқ комиссиясининг ахборотини тингладилар. Союзнинг раҳбар органларига кўрсатилган номзодларнинг ҳаммаси сайланди.

«ССР Журналистлар союзи правлениесининг иши ва КПСС XXIII съездининг қарорлари асосида совет журналистларининг вазифалари тўғрисидаги ҳисобот доклади юзасидан резолюция таҳрир комиссиясининг қўшимчалари ва мулоҳазалари билан қабул қилинди.

СССР Журналистлар союзи уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар тасдиқланди.

Американинг Вьетнамдаги агрессияси муносабати билан баёнот қабул қилиш тўғрисидаги таклиф гулдурос қарсаклар остида киритилди.

Биз, СССР журналистлари иккинчи съездининг делегатлари, дейлиги баёнотда, қаҳрамон Вьетнам халқининг озодлиги ва мустақиллигига қарши қўл кўтарган Америка агрессорлари, ни совет матбуоти, радиоси, телевидениеси, нашриёт ходимлари номидан қаҳр-ғазаб билан қоралаймиз. Инсониятнинг виждони, пданетамиздаги софдил журналистларнинг виждони империалистларнинг ваҳшийлиги олдида жим туролмайди. Интервентларнинг Вьетнамдаги қуролли босқинчилигига қарши кураш — тинчлик ва адолат манфаатларини қадрлаётган ҳар бир кишининг бурчидир.

Делегатлар Вьетнам халқининг мардлиги, сабот-матонатига, енгилмас иродасига қойил қолганликларини изҳор қиладилар. Улар қаҳрамон Вьетнам билан, ўз халқининг содиқ фарзандлари бўлган Вьетнам журналистлари билан қардошларча бирдамликни бундан буён ҳам мустаҳкамлаяжакларини тантанали суратда эълон қиладилар.

Съезд журналистлари Халқаро журналистлар ташкилотида аъзо бўлган миллий журналистлар ташкилотларини, жаҳондаги барча соф виждонли журналистларни американлик ваҳшиларнинг жиноятларини янада актив фош қилишга, уларни халқаро майдонда яккалаб қўйиш ва узил-кесил маглубиятга учратишга ёрдам беришга чақирадилар.

Барча мамлакатлар ва барча қитъаларнинг журналистлари, дейилади баёнотда, ўткир сўз ва иш билан қаҳрамон Вьетнам халқига ёрдамни кучайтирсинлар. Қаҳрамон Вьетнам билан жанговар бирдамлигимизни мустаҳкамлайверайлик. Қўшма Штатларнинг Вьетнамдаги босқинчилигига қарши ягона антиимпериалистик фронтни жипслаштириш учун кучғайратимизни аямайлик.

Съезд делегатлари ва меҳмонлар «Вьетнамлик дўстларимиз, сизлар биллан биргамиз! Вьетнамнинг ҳаққоний иши тантана қилади!» деган сўзларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига табрикнома ғоят баланд руҳ билан қабул қилинади.

Съезд партия Марказий Комитетини ишонтириб айтдики, совет журналистлари ўз олдиларига қўйилган катта вазифаларни муносиб суратда бажариш, халқимизни коммунизм сари илгари сиғаб кўрилмаган, қийин, лекин шонли йўлдан бошлаб борайтган ленинчи партиянинг ишончини оқлаш учун ўзларининг бутун кучларини, бутун ижодий қобилиятларини сарф қиладилар.

Совет журналистлари Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиларидир. Улар партиявий журналистиканинг ленинчи принципларига амал қилиб келдилар ва бундан буён ҳам амал қиладилар. Совет социалистик Ватанига ҳамиша садоқат билан хизмат қиладилар, бу Ватаннинг улуғворлигини ошириш, унинг бутун жаҳон миқёсида социал тараққиёт учун, миллий озодлик ва мустақиллик учун, тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик учун, социалистик миллатларнинг қардошлик оиласини жипслаштириш учун курашдаги ролини оширишга ёрдам бераверадилар.

Совет матбуоти, радиоси, телевидениеси ва нашриётларнинг ходимлари шонли сана — Улуғ Октябрнинг эллик йиллиги арафасида КПСС Марказий Комитетига ваъда бериб, Советлар мамлакатининг улуғ зафарлари тўғрисида яққол, ёркин ва илҳом бағишлайдиган тарзда ҳикоя қилиб бериш учун ўзимизнинг бутун ижодий кучларимизни сафарбар қиламиз, дедилар.

Табрикномада айтиладики, совет журналистлари империализмнинг халққа қарши реакцион моҳиятини, Вьетнамда жиноий уруш бошлаган АҚШ ҳукмрон доираларининг агрессив, авантюристик сиёсатини янада зўр эҳтирос ва қатъият билан фош қиладилар, шу билан бирга, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўриниш ва шаклларига қарши янада актив кураш олиб борадилар.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг табригида берилган маслаҳатларни оғишмай бажариш учун қабул қилади. Биз, дейиладн табрикномада, журналистик маҳоратимизни бундан буён ҳам ошурамиз, газетхонлар, тингловчилар, томошабиндар билан алоқа формаларини кидириб, такомиллаштирамиз. Биз партия раҳбарлигида коммунистик жамият барпо этаётган совет халқининг бунёд ижодий меҳнатига бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам беришни кўзда тутиб иш олиб борамиз.

Совет журналистлари КПССнинг содиқ ёрдамчилари бўлиб келдилар ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қоладилар.

Раислик қилувчи М. В. Зимянин айтдики, ленинчи партиямиз Марказий Комитетининг самимий табриги совет журналистларини ғоят руҳлантириб ва илҳомлантириб юборди. Бу табрик айни вақтда мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг янгиданянги муваффақиятлари учун, партиямизнинг ленинча бош йўлини амалга оширишда пропагандист ва оммаиинг ташкилотчиси бўлган матбуотимизнинг ролини янада ошириш учун курашда партиямизнинг шонли ёрдамчилари — совет журналистларига берилган жанговар наказ бўлиб хизмат қилади.

М. В. Зимянин съезд қатнашчиларига ва улар орқали совет журналистларининг бутун армиясига, совет матбуотининг миллион-миллион активларига, ишчи ва деҳқон мухбирларига, совет матбуотининг фаолиятида қатнашиб, бу матбуотни тарқатиш ва пропаганда қилишда актив ёрдам бераётган ҳамма кишиларга буюк ижодий муваффақиятлар тилади.

СССР журналистларининг иккинчи Бутуниттифоқ съезди ёпиқ деб эълон қилинади.

СССР ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ИККИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИ ЁПИЛДИ

□ □

УЛКАН ХИРМОНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борини тўғрисида 1966 йил 1 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан буён, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан буён.

Қашқадарё	2,73	67,35	5,36	67,87
Тошкент	3,78	61,69	4,79	73,01
Сурхондарё	3,25	52,86	5,74	52,64
Бухоро	2,64	46,42	4,89	45,90
Фарғона	2,77	45,09	3,90	37,58
Самарқанд	3,67	44,52	4,49	35,77
Андижон	2,96	44,05	5,07	36,51
ҚҚ АССР	2,92	34,35	2,92	19,07
Сирдарё	3,86	33,24	4,85	39,01
Хоразм	2,51	25,69	1,86	9,79
Республика бўйича:	3,13	44,50	4,47	41,02

Футбол

ҲИСОБ — 1:1

Уз майдонида инни матч ўтказиб, рақиблар дарвозасига биронта ҳам тўп ура олмаган «Пахтанор» ҳужумчилари ўтган куни Тбилиси шаҳрида маҳаллий динамочиларга қарши ўйнаб, матчни дуранг билан якунлади. Ҳисоб 1:1. «Пахтакор» 26 ўйиндан 30 очко тўплаб ҳамон турнир жадвалининг олтинчи ўринида бормоқда.

Пахтакорчилар навбатдаги ўйинни 4 октябрда Бокуда «Нефтянник» командаси билан ўтказадилар.

3 МИЛЛИОН 750 МИНГ ТОННА УЧУН!

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлаш ва машина терилмининг борини тўғрисида 1966 йил 1 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар ва районлар, иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, учинчи стун — машинада терилган пахта.

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Яккабоғ	84,92	122,07
Ғузор	74,11	36,13
Шаҳрисабз	73,66	97,86
Косон	63,15	48,76
Чироқчи	62,62	50,31
Қамаши	60,85	47,77
Қарши	51,12	43,91
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Оққўрғон	71,42	84,00
Юқори Чирчиқ	64,65	127,77
Ўрта Чирчиқ	64,22	72,17
Бўка	61,92	77,26
Оржоникидзе	60,14	58,70
Бекобод	56,36	59,57
Калинин	55,43	42,75
Янгийўл	52,78	55,36
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Боисун	103,30	—
Жарқўрғон	62,15	78,16
Шўрчи	56,54	55,26
Сариосиё	54,84	42,84
Денов	52,63	46,11
Термиз	41,90	49,14
Шеробод	41,19	55,89
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Қонимех	66,60	—
Бухоро	56,40	85,08
Қоракўл	54,20	38,32
Вобкент	48,10	40,69
Ромитан	47,66	39,03
Навоий	41,81	53,56
Когон	41,00	34,50
Ғиждувон	34,64	31,78
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Киров	56,35	44,10
Бағдод	49,87	40,04
Ленинград	49,53	33,53
Ўзбекистон	48,70	43,61
Олтиариқ	47,11	56,71
Поп	46,92	39,66
Қува	39,87	27,26
Охунбобоев	38,06	27,39
Фарғона	22,74	10,93
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Пайариқ	50,17	39,16
Хатирчи	48,65	42,16
Пастдарғом	44,76	33,02
Нарпай	44,62	44,98
Каттақўрғон	44,12	30,81
Иштихон	43,88	30,86
Самарқанд	43,12	42,56
Булунғур	36,76	26,86
Ғаллаорол	36,02	—
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Бўз	66,10	81,72
Задарё	52,51	66,57
Андижон	50,62	35,15
Избоскан	49,39	46,10
Москва	49,00	46,39
Балиқчи	48,02	45,41
Ленин	47,84	28,76
Учқўрғон	43,72	40,24
Хўжаобод	42,10	32,90
Янгиқўрғон	41,39	26,64
Наманган	41,29	21,61
Чуст	33,39	23,00
Қўрғонтепа	25,62	25,44
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Хўжайли	50,68	24,47
Тахтакўпир	47,64	40,70
Бируний	34,60	19,64
Кегайли	34,36	22,56
Қўнғирот	33,54	25,88
Чимбой	30,68	15,94
Амударё	30,30	11,25
Тўртқўл	25,65	6,22
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Жиззах	56,20	51,96
Боёвут	39,25	56,23
Киров	35,81	51,89
Еттисой	35,25	48,60
Гулистон	34,40	54,50
Янгиер	30,43	29,45
Сирдарё	28,81	34,12
Пахтаорол	28,09	42,47
Ильич	25,17	20,31
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Шовот	35,49	19,85
Янгиариқ	26,05	6,16
Хива	24,92	7,49
Ҳазорасп	24,65	9,89
Урганч	22,67	9,93
Гурлан	22,61	9,94

ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИНГ

Ўзбекистон ССР районларида дағал хашак тайёрлаш ва силос бостиришнинг борини ҳақида 1966 йил 30 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи стун — область ва районлар, иккинчи стун — тайёрланган дағал хашак, учинчи стун — силос бостириш.

Боёвут	145,3	124,2
Сирдарё	107,3	119,8
Жиззах	106,6	64,8
Пахтаорол	105,7	83,2
Зомин	103,8	62,6
Фориш	102,3	—
Киров	94,9	95,4
Гулистон	83,4	68,7
Еттисой	74,2	69,7
Янгиер	50,1	60,4
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	98,1	82,9
Ҳазорасп	100,1	81,5
Гурлан	99,9	72,0
Шовот	94,7	86,3
Урганч	94,4	91,4
Хива	94,3	79,8
Янгиариқ	86,6	81,7
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	97,04	81,3
Термиз	118,0	51,2
Жарқўрғон	102,2	57,9
Шўрчи	95,7	46,5
Шеробод	93,3	45,0
Бойсун	84,2	100,0
Сариосиё	80,1	82,4
Денов	79,7	64,7
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	90,9	59,9
Бўз	97,0	35,7
Избоскан	88,3	85,7
Учқўрғон	88,2	87,4
Чуст	87,1	81,9
Москва	86,3	75,4
Балиқчи	85,8	37,8
Янгиқўрғон	84,5	83,4
Наманган	84,3	58,5
Андижон	81,4	74,3
Хўжаобод	81,2	71,2
Ленин	75,7	94,4
Қўрғонтепа	74,4	67,8
Задарё	70,0	68,3
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	83,5	73,7
Пайариқ	101,2	42,2
Самарқанд	100,3	75,3
Ургут	94,2	81,4
Ғаллаорол	87,6	32,2
Нурота	82,6	36,2
Каттақўрғон	82,2	36,7
Булунғур	81,3	61,2
Хатирчи	76,7	45,5
Иштихон	76,6	57,2
Нарпай	76,0	99,3
Пастдарғом	53,6	46,2
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	81,0	56,0
Янгийўл	106,8	81,2
Оржоникидзе	105,5	81,5
Бўка	87,9	73,6
Калинин	82,5	90,8
Юқори Чирчиқ	77,1	90,9
Оққўрғон	69,7	116,2
Ўрта Чирчиқ	68,0	95,7
Бекобод	45,3	44,8
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	79,4	85,8
Киров	88,5	76,4
Ленинград	87,5	123,2
Охунбобоев	83,8	70,5
Қува	81,4	113,8
Бағдод	74,9	59,5
Олтиариқ	71,4	57,5
Ўзбекистон	70,0	55,0
Поп	59,9	73,4
Фарғона	57,8	53,7
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	73,6	72,6
Қўнғирот	94,5	70,6
Тахтакўпир	70,3	81,0
Тўртқўл	67,5	31,4
Бируний	65,8	27,7
Чимбой	61,1	73,7
Амударё	57,9	31,4
Хўжайли	56,3	37,1
Кегайли	51,9	61,6
Мўйноқ	42,6	—
Нукус шаҳри	18,3	51,0
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР БУЙИЧА	66,0	52,5
Қонимех	98,7	—
Когон	93,8	35,3
Бухоро	86,6	37,4
Навоий	81,7	45,1
Ромитан	75,0	40,8
Қоракўл	74,5	17,8
Вобкент	65,0	64,3
Ғиждувон	50,3	55,8
Томди	10,4	—
БУХОРО ОБЛАСТИ		
БУЙИЧА	63,0	43,7
Яккабоғ	51,2	37,5
Косон	48,1	34,1
Шаҳрисабз	44,7	41,1
Чироқчи	43,9	22,4
Қамаши	41,8	14,1
Қарши	36,9	24,4
Ғузор	31,4	12,3
ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ БУЙИЧА	41,5	31,0
РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА	74,3	68,6

«Совет Ўзбекистони» газетаси редакторининг ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.
«Ёш ленинчи» газетасининг редактори А. ВАҲОБОВ.
«Комсомолец Узбекистана» газетаси редакторининг ўринбосари В. ХОХРОВ.

Диссертация ёқлайдилар

1966 йил 12 октябрь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг химия ва химиявий технология бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Шастри кўчаси, 19-уй, химия институтларининг мажлис зали):

С. Искандаров — химия фанлари канди даги деган илмий даражани олиш учун: «Леонтике Альбертни» алкалоидлари» деган темада.

Г. А. Берг — техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Никель катализатори иштирокида бензолдан гўйинтириш йўли билан циклогекса нинг олиниши» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

1966 йил 13 октябрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ҳузуридаги педагогика фанлари юзасидан илмий даражалар бериш бўйича бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй) педагогика фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун:

М. А. Жабборов: «Ўзбекистон мактабларида ботаника дарсидаги синф машғулотларини ўқув-тажриба ва жамоат учун фойдали қишлоқ хўжалик ишлари билан ўзаро боғлаш» деган темада.

Л. Я. Шойхет: Саккиз йиллик мактабда рус тили ўқитишнинг метод ва формаларини такомиллаштириш проблемасига доир (Ўзбекистон ССР мактаблари материали асосида)» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Қуйбишев кўчаси 10-уй).

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА КЎЧАСИ № 26. Редактор — 836545, Редактор ўринбосарлари — 837914, 839323, Масъул секретарь — 834455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 837283, Партия турмуши — 833469, 837221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — 831216, Коммунистик тарбия — 831455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 834780, Совет қурилиши — 833258, Қишлоқ хўжалиги — 837604, Адабиёт ва санъат — 832036, 837221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 834451, Маҳаллий ахборот — 832347, Оммавий ишлар ва хатлар — 839005, 833553, Иллюстрация — 834524, Стенографистка — 837343, Корректура — 837162, Эълонлар — 838142, Коммутатор — 830249, 830250, 830251, 830252, 830253, 830254, 830255, 830256, 830257, 830258.

№ 225; ИНДЕКС 64543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 08765.